

СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЖИЗЗАХ ВА СИРДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги уч йил мобайнида ирригацияни ривожлантириш ва сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш давлат дастурлари доирасида Жиззах ва Сирдарё вилоятларида **170,4 км** ирригация тизимлари каналлари, **145,2 км** лоток тармоқлари, **33 та** гидро-техник иншоотлар, **734 км** коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда бошқа сув ҳўжалиги объек-тлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Натижада **104 минг гектардан ортиқ** сугориладиган ерларнинг сув таъминоти яхши-ланди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар **15,6 минг гектарга** камайдди, сизот сувлар сатҳи ер юзасига яқин жойлашган майдонлар **28,6 минг гектарга** қисқарди, **85 минг гек-тардан ортиқ** майдоннинг мелiorатив ҳолати-ни барқарор сақлашга эришилди.

Шунга қарамасдан, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида **93,4 минг гектар** сугорилади-ган ерларнинг сув таъминоти паст даражада қолмоқда, **109 минг гектар** сугориладиган майдонлар ўртача ва кучли шўрланган.

“Сардоба” сув омбори тўғонидан сув тоши-ши оқибатида Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларидаги аксарият сув ҳўжалиги объек-тлари, шунингдек, “Марказий Мирзаўл” коллек-тори ва унга қуюлувчи коллекторлар жиддий талафот кўрди.

Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сугорила-диган ер майдонларини сув билан ишончли таъ-минлаш, сувни тежайдиган сугориш техноло-

■ Анжуман

САМАРҚАНД ВЕБ-ФОРУМИ ЁШЛАРГА, ЎЗБЕКИСТОНГА НИМА БЕРАДИ?

Бугун ёшлар ҳуқуқларини тарғиб қилишнинг долзарб масалаларига бағишланган инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми ўз ишини бошлади.

Ҳўш, ушбу онлайн-форумни юқори савияда ўтказиш учун қандай тайёр-гарлик кўрилди ва бошқа тадбир-лардан ажралиб турадиган жиҳатла-ри нимада?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузу-ридаги Ахборот ва оммавий комму-никациялар агентлигида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйи-ча Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, Тошкент давлат юридик университе-ти ректори Раҳимжон Ҳакимов ҳамда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати раиси Бобур Бекмуродов Самарқанд веб-форумининг мақсади, унда муҳокама қилинадиган мавзулар ҳақида ОАВ вакилларига маълумот беришди.

Таъкидланганидек, “Ёшлар 2020: глобал ҳамжихатлик, барқарор та-раққиёт ва инсон ҳуқуқлари” шиори остидаги мазкур форумда Бирлаш-ган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Ислам ҳамкорлик ташки-лотли, Мустақил Давлатлар Ҳамдўст-лиги, Африка Иттифоқи тизимидagi ёшлар тузилмалари раҳбарлари, дип-ломатик корпус, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро, минтақавий ва мил-лий институтлар, фуқаролик жамия-ти институтлари, ёшлар ташкилот-лари вакиллари, олимлар ҳамда экспертлар, жами мингдан зиёд кишилар қатнашиш истагини билдирган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекис-тон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов “Самарқанд веб-форуми ёшларга, Ўзбекистонга нима беради?” деган саволга қуйи-дагича жавоб қайтарди:

- Бу форумнинг бешта натижаси бўлади, деб айта олам.
- **Биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусларини рўёбга чиқаришда халқаро даража-даги муҳим қадам бўлади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА

Мамлакатимизда кейинги йилларда қишлоқ ҳўжали-гини ривожлантириш, соҳага замонавий бозор меха-низмларини жорий этиш, ушбу йўналишда бошқару-нинг илгор тизимларини қўллаш, ўзимизда чуқур қайта ишланган маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш бо-расида муйян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривож-лантиришининг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу нафақат маҳаллий, балки хорижий экспертлар баҳосидир.

Соҳадagi ўзгариш ва янгиланишлар ҳақида гап кет-ганда, биргина кластер моделини мисол сифатида

■ Муносабат

Баҳодир ХОЛИҚОВ, қишлоқ ҳўжалиги вазири ўринбосари:

— Ҳар қандай мамлакатда қишлоқ ҳўжалигида озиқ-овқат хавфсизлиги-ни таъминлаш устувор масалалар-дан бири ҳисобланади. Кейинги йил-ларда мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиё-жини таъминлаш ҳамда қишлоқ ҳўжа-лиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш борасида давлатимиз раҳбари томони-дан 2019 йилда соҳани 2020 — 2030 йилларда ривожлантириш страте-гиясига оид Фармон қабул қилингани айни мuddао бўлмоқда. Чунки ушбу Фармонда 9 та устувор йўналиш бел-гиланган бўлиб, улардан биттаси рес-публикамиз қишлоқ ҳўжалигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграция-

келтириш мумкин. Ҳозир республикамиз пахта майдон-ларининг 125 минг гектариди кооперациялар, 908 минг гектариди кластерлар фаолият юритмоқда. Эътиборли-си, бу тизим қўсқа фурсат ичида ўзини оқлатди.

Давлатимиз раҳбари агар соҳага тегишли яна бир муҳим ҳўжжат — “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекис-тон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Қўйида ушбу қарор аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақида мутасадди ташкилотлар ҳамда халқаро экспертлар фикрлари билан танишасиз.

Иван ХОРВАТ, Жаҳон банки консультанти:

— Ушбу қарорнинг имзолаши фермерлар, қишлоқ ҳўжалиги соҳа-сига инвестиция қиртувчилар учун ажойиб янгилик бўлди.

Ўзбекистон — юксак салоҳият ва имкониятлар мамлакати. Жаҳон бан-кининг лойиҳаси бу йўналишда олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқади. Маслаҳатлашувлар ва инновацияларни жорий этиш имко-ниятларининг яратилиши лойиҳанинг муҳим жиҳатидир. Бу ўринда янги ти-зим нафақат ахборот йўналишида, балки техник томондан ҳам кўмак қўрсатувчи малакали мутахассислар, бутун мамлакатни қамраб олувчи сер-вис хизмати ёрдамга эҳтиёжи бор фермерлар учун доим очик ашиқлар

қиқотларга йўл очади. Сармоялар киритилиши, мутахассислар малака-сининг оширилиши, фермерлар билимини амалиёт билан боғлаш имконини берувчи маслаҳат хизма-тининг йўлга қўйилиши ҳам диққатга сазовор.

Бугун Ўзбекистонда мазкур тизим яхши йўлга қўйилган. ЕИ ҳам лойи-ҳани молиялаштиришга ўз ҳиссаси-ни қўшиб, уни қўллаб-қувватлайди. Ишонимки, ушбу ҳамкорлик Ўзбе-кистон агросекторини янгилашга хизмат қилади ва мамлакатнинг дунё бозорида ўз ўрнини топишига имкон беради.

Шўҳрат ОМОНОВ, Қишлоқ ҳўжалиги вазири қўсма бошлиги:

— Ушбу лойиҳанинг биринчи ко-мпоненти қишлоқ ҳўжалигида давлат бошқаруви ва соҳадagi илмий-тад-қиқот муассасаларини тубдан транс-формация қилишга бағишланган бўлиб, унинг доирасида қишлоқ ҳўжа-лиги йўналишидаги 10 та илмий-тад-қиқот институтининг умумий транс-формацияси амалга оширилиб, ла-бораториялар қайтадан жиҳозлана-ди. Бу эса келгусида ишлаб чиқаришда илмий асосланган тақлифлар-ни, ишланмаларни кенг жорий этиш-ни таъминлаб беради.

Сўх тумани: ЎЗГАРИШЛАР БЎСАҒАСИДА ЁХУД ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ОДАМЛАР ҲАЁТИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПАДИ

Сўх — гоят хушманзара маскан. Баланд тоғлар, тиниқ булоқлар, жўшқин сойлар, “яшил аланга” каби қўсқа талпинган арчалар... Туманининг энг катта бойлиги, бу — унинг меҳнаткаш, меҳмондўст ва самимий халқи.

“Бобурнома”да ҳам Заҳриддин Муҳаммад Бобур бир муддат Сўхда яшаганини мароқ билан эсга олиб, унинг гўзал табияти, меҳмондўст одамлари билан боғлиқ хотираларини ёзиб қолдирган.

Сўх туманидан топилган осориати-қалар, худудни чор тарафдан ўраб ол-ган пурвиқор тоғлар, зариф “қўшиқ-лар қўйлаб” оқадиغان зилол сойлар, асрларни қаритган қишлоқларнинг мо-зийдан садо берувчи ўзига хос кўри-ниши, ҳақиқатан ҳам, бу заминнинг кўҳнагидан далолатдир.

Ҳамиша навқирон Сўхда ҳаёт шу-кухи бугун ўзгача намоён бўлмоқда. Тақдирнинг турли қийинчиликлари

қарамай тарихнинг узок сўқмоқлари-дан мардонавор ўтиб келаётган сўхликлар янги — нурили истибболга ўзгача ҳушайфият билан пешвоз чиқмоқда.

Президентимизнинг шу йил 8 август куни қабул қилинган “2020-2021 йилларда Фаргона ви-лоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қаро-ри бу борадаги ишлар кўламини сифат ва салмоқ жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, Сўхда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни жадал-лаштириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий му-ҳитни барқарорлаштириш борасида ечимини кутаётган масалалар кўп эди. Хусусан, туманда саноат маҳ-сулотлари ишлаб чиқариш ва экс-

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси



АДВОКАТЛАР УЧУН АЙРИМ ТАЛАБЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

Суд-ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми бўлган адвокатура жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда адвокатларнинг касбий фаолиятларини муваффақиятли амалга оширишлари учун зарур қонунчилик базаси изчил шакллантирилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томони-дан адвокатлик фаолияти ка-фолатларининг қучатирилиши-га оид қонун ҳужжатларини та-комиллаштиришга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатиди шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда дастлаб Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 30 июнь куни одил судловни таъмин-лаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вази-фалар муҳокамасига ба-ғишлаб ўтказилган видеосе-лктор ййгилишида берилган топшириқлар асосида Қонун-

Сенатор мушоҳадаси

ЎЗЛИГИМИЗНИ КЎРСАТАДИГАН ФУРСАТ

Бугун нутқимизга “темир дафтар” ибораси кириб келдики, бу, аввало, давлат ва жамият кўмаги ҳамда эътиборига муҳтож оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш имконини берапти.

Жумладан, Самарқанд ви-лоятида ҳам маҳаллаларда-ги ёрдамга муҳтож оилалар, меҳнатга лаёқатли ишсизлар аниқланиб, ҳар бир маҳал-лада “темир дафтар”ларни юритиш, уларни камбағал-ликдан чиқариш амалиёти муваффақиятли тарзда жорий этилди.

Йил аввалида вилоят миқёсида ушбу дафтарга 60 мингга яқин ёрдамга

муҳтож оилалар, 74 мингдан зиёд меҳнатга лаёқатли иш-сизлар рўйхатга олинган эди. Ушбу оилаларнинг доимий даромад манбаини яратиб бериш борасида олиб бо-рилган чора-тадбирлар ту-файли 7202 та муҳтож оила ва 15 минг нафарга яқин иш-сизлар бандлиги таъминла-ниб, “темир дафтар”дан ўчирилди.

порт ҳажми вилоят кўрсаткичлари-дан сезиларли даражада ортда қол-моқда. Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш ҳамда доимий даромад манбаларини кўпайтириш соҳасида-ги ишлар ҳам қониқарли эмас.

Ичимлик суви, ички йўллارни таъ-минлаш, ахборот-коммуникация тар-моқлари билан боғлиқ муаммолар-ни зудлик билан бартараф этиш-га катта эҳтиёж бор.

АДВОКАТЛАР УЧУН
АЙРИМ ТАЛАБЛАРНИ
БЕКОР ҚИЛИШ
ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА



Чунончи, адвокат процессуал макомининг заифлиги, адвокатага институти обрўсига путур етказадиган ва адвокатлар ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқишга тўсқинлик қилаётган ҳолатларнинг мавжудлиги, мамлакатда адвокатлар сонининг етарли эмаслиги оқибатида малакали юридик ёрдам олишнинг чекланганлиги каби ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, таклиф этилаётган таҳрирда адвокат мустақиллигига таъсир қилмайдиган ва манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармайдиган ҳақ тўланадиган бошқа фаолият тури билан шугулланишга бўлган чекловни олиб ташлаш, адвокат бўлиш истагини билдирган шахслар учун юридик мутахассислик бўйича икки йиллик иш стажы шартлиги борасидаги талабни бекор қилиш назарда тутилган. Шунингдек, адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкиллик-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, адвокатлик тузилмаларини рўйхатга олиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш таомилларини “ягона дарча” тартибиди

ШИФОХОНАЛАРГА КИСЛОРОДЛИ
КОНЦЕНТРАТОРЛАР ОЛИБ БЕРИЛДИ

Бугунги пандемия шароитида коронавируси инфекциясига чалинган беморларни даволашда зарур бўлган кислородли концентраторларга талаб юқори.

Ташаббус

Шуни ҳисобга олган Олий Махлис Сенати аъзоси Нурмухаммад Очиллов хайрли иш ташаббуси қилди. Гап шундаки, Бухородаги “Парвоз Хумо Равнақ Транс” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Н. Очиллов Хитойдан 100 дона кислородли концентратор харид қилиб, уларни Ёғдўвон, Олот, Жондор, Вобкент, Шофиркон туманлари ҳамда Когон шаҳар тиббиёти бирлашмалари ва вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига етказишда бош-қош бўлди.

— Ойлабда бир инсон касал бўлишининг ўзи фожиа. Шундай экан, коронавирус инфекциясига чалинган юртдошларимизнинг тезроқ тузалиб,

оилалари бағрига қайтиши бугун ҳаммасидан муҳим, — дейди Олий Махлис Сенати аъзоси Н. Очиллов. — Ушбу қийин вазиятда эса касалликни жилолашга ҳиссамиз сингичи ҳар биримиз учун умумий мақсад бўлиши лозим. Биз мана шу эзгу ишга, оз бўлсада, ҳисса қўйсак, ўзимизни бахтиёр ҳис этимиз.

Бунди қарангки, савоб иш одамлар саломатлигига, оилалар тақдирига берафқ бўлмаган тадбиркорлар томонидан кўллаб-қувватланяпти. Чунончи, вилоятдаги “Мергентекс” пахта-тўқимачилик кластери томонидан харид қилинган 100 дона худди шундай тиббий усуна ҳам шифо масканларига топширилди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШГА ОИД НАВБАТДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Кеча Президентимиз томонидан “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон имзоланди. Ҳўш, ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

Шу хусусида соҳа мутасаддилари ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Акс садо

Наримон УМАРОВ,
Олий Махлис Кўнунчилик палатаси
Спикери ўринбосари,
“Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши
раиси:



— Сир эмаски, тергов жараёнида гумонланувчини қийноққа солиш, таъзиқ ўтказиш каби қонунбузариқлар, инсон ҳуқуқларига зид хатти-ҳаракатлар содир этилишининг учраётгани кенг жамоатчиликнинг кескин норозиликларига сабаб бўлди. Ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси

ҳақиқатни юзга чиқаришдан иборат экан, унга жисмоний кўп ишлатиш билан эришиб бўлмаслиги андиқ.

Шу нуктадан назардан Фармон ўз вақтида қабул қилингани айни муддао бўлди. Мазкур ҳужжат қўнунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўлишларини тўлдирди. Пировардиди жиноятларни фож этиш борасидаги фаолият янги босқичга кўтарилишига туртки бўлиб хизмат қилади.

Фармонда шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадриқимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлиқни кучайтириш белгилангани шу пайтгача кўзга ташланган иллатларнинг йўқолишига замин ҳозирлайди.

Айбиги қироллик бўйича келишув институтини жорий қилиш ҳам, албатта, ихобий мақсадларга хизмат қилади. Унга қўра, айрим жиноятлар тоифалари бўйича шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган, чин қўнгилдан пушаймон бўлган тақдирда қуриштириш ва дастлабки тергов органлари билан ёзма келишув тузулади. Бу эса суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг яримидан кўп бўлмаган муддатига-ча жазо тайинлашга асос бўлади. Чунки айбини тан олган одам жиноятнинг очилишига фаол ёрдам беради ва келтирилган зарарни бартараф қилишга жалб этилади. Мазкур механизм адолат тезроқ ва осонроқ қарор топишига бир қўмақдир.

Яна бир муҳим масала. Ўта оғир жиноят содир этганиданга гумон қилинаётган ёки айбланётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки ўй қамоғи тарзидидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи қўриб чиқилаётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлиги белгиланди. Бу, ўз навбатида, адвокатлар макомининг ошишига ва ваколатлари кенгайтилишига салмоқли туртки ҳисобланади.

Фармондан яна қўллаб муҳим масалалар, ечи-

мини қўтаётган муаммоларга жавоблар ўрин олган. Буларнинг барчаси ягона мақсад — жамиятда адолатни қарор топтиришни кўзда тутаяди.

Хуршид КАРИМОВ,
Бош прокуратура Академияси
кафедра бошлиғи:



— Ярашув институти адолат ва инсонпарварлик тамойилларига ҳамда халқимизнинг миллий қадриятларига тўла мос келади. Ўтган йиллар давомида ушбу институт самарали хизмат қилиб келяпти. Жиноят кодексининг 46 та моддасида назарда тутилган тегишли жиноятлар бўйича шахс ярашув муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Аммо оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилинмайди.

Амалиётда оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар томонидан эҳтиётсизлик оқрасида жиният содир этиш ҳолатлари бўлганида, гарчи айбдор ўз айбига иқдор бўлиб, жабрланувчи билан ярашган ва етказилган зарарни бартараф этган бўлса-да, шахснинг судланганлигига оид қонда ярашувни қўллашни чеклайди.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган ўш саккиз ёшга тўлганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтимши ёшдан ошган эркаклар томонидан ярашувга оид нормаларга тўшадиган жиноятлар содир этилганда ҳам жабрланувчилар ярашил истагини билдирган ҳолатларда ҳам ярашув институтини қўллаб бўлмаслиги ярашувга оид нормаларни янада такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди.

Шу муносабат билан, Фармонда оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қонда ўш саккиз ёшга тўлганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтимши ёшдан ошган эркаклар ва эҳтиётсизлик оқрасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслигига оид норма жиният қўнунчилигига киритилиши назарда тутилди.

Қолаверса, Жиноят-процессуал қўнунчилигидида шахсга терговда оғирроқ жиният бўйича айб ёзлон қилиниб, аммо судда ҳукм чиқарилаётганда енгилроқ, яъни ярашувга тўшадиган жиният моддасига қайта малакаланган ҳолларда ярашув институтини қўллаш механизми мавжуд

ЎЗЛИГИМИЗНИ КЎРСАТАДИГАН ФУРСАТ



Бугунги синовли кунларда “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доира-сида ҳам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни нафақат моддий томондан, балки қўлидан иш келадиган фуқароларимизни иш билан таъминлаш ҳисобига камбағалликдан чиқариш бўйича аниқ режалар ишлар амалга оширилляпти.

Мисол учун айтадиган бўлсак, ҳомийлик, хайрия маблағларини мувофиқлаштириш ва волонтерлик марказлари ташкил этилган кундан бошлаб 27 июль кунигача улар-га аҳолидан 1868 та мурожаат кели-лб тушган. Унинг 1837 таси озик-овкат маҳсулотлари, 23 таси дори-дармон, 8 таси бошқа маиший талаблардир. Йил бошидан буён

эса қўнгиллилар, саховатпеша ин-сонлар томонидан 21301 та оила-га ёрдам кўрсатилди. Ҳар бир хо-надон аҳли бу ёрдамларни давла-тимизнинг ғамхўрлиги ва инсон-парварлик сиёсати намунаси си-фатида қабул қилди.

Беш қўл баробар бўлмаганидек, орамизда бу каби синовларни бир-дек тушуна олмаётганлар ҳам то-пилади. Улар билан ҳаётий тажри-ба асосида суҳбатлашиш, тўғри йўлга солиш бизнинг вазифамиз-дир. Шундан келиб чиқиб, каран-тин талаблари асосида одамлар билан учрашялмиз, юзма-юз му-лоқот қиялмиз, жойларга чиқиб ту-шунтириш ишларини олиб бора-ймиз.

Шу билан бирга, оилавий тад-биркорлиқни қўришти, ўз ҳунарманд-

лик ишини йўлга қўйиш, жамоат ишларига қўл қилиш, ишга ту-ширилган саноат объектларига ишга жойлаштириш, тақририй экин экиш оққали даромад топиши, қурилиш объектларида ишга жой-лаштириш ва яна бошқа қатор омиллар сабаб вилоят миқёсида эллик мингдан зиёд оилаларнинг даромад манбаига эга бўлиши ҳисобига камбағалликдан чиқариш-га қўмаклашиляпти.

Айниқса, агросаноат объек-тларида ишга жойлаштирилган 4805 нафар, кооперация асосида ўз ерига эга бўлган мингга яқин ёшларнинг меҳр билан етишти-раётган маҳсулотлари авж пал-ласини қўриб, ич-ичингдан қув-нонасан киши. Бундан ташқари, меҳ-нат бозоридаги талаб асосида

каб-хунарга қайта ўқитилиб, банд қилинган беш юздан зиёд ёшлар-нинг гоёлари, иш услублари, дастлабки эришган натижалари ҳам таҳсинга лойиқ.

Аслида ҳам оғир кунларда эн-сонга далда бўлиш, озгина эти-бор кўрсатишдан эзгу амал йўқ. Пандемия шароитида қўнгилли ёшларнинг халқимиз мушқулини осон қилиш, тизимли ёрдам кўр-сатиш борасидаги ташаббуслари эътирофга лойиқ. Ёшларнинг Ватан тақдирини учун масъулиятни ҳис қилиши, оғир дамларда халқ хиз-матида бўлиши, ўзаро бирлашиб, мушқул вазифаларни ҳам ҳал қилишга интилиши — мамлаки-мизда қўнгиллилик фаолиятининг янги даври бошланганини кўрсат-моқда.

Умуман, жорий йилда халқи-миз бошига тушган синовларни юмшатиш бўйича амалга ошири-лаётган ишлардан ҳулоса шуки, халқимиз меҳнаткаш, сабр-бар-дошли, меҳр-оқибатли эканлиги-ни яққол кўрсатяпти. Буларнинг барчаси мамлакатимиз ёшларини янада фаол бўлишга, юрти-мизни, унинг тинч ва осойишта ҳаётини, жамиятимиздаги бағри-кенглик, ҳамжихатлик, меҳр-са-ховат муҳитини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, истиқлол нёзматларининг қадрига етишга ундамоқда.

Ҳасан НОРМУРДОВ,
Олий Махлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон Қоҳрамони.

Депутат фикри

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
НЕГА ЗАРУР?

Давлат-хусусий шериклиқни ривожлантириш долзарб масала. Чунки ушбу соҳа ривожини мамлакат тараққиёти ва аҳоли турмуш фаровонлигини таъминловчи муҳим омил саналади.

Шу боис ўтган йили “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, бугунги кунга қадар мазкур ҳужжатнинг асосий меъёrlарини амалиётга жорий қилиш бўйича муайян ишлар бажарилди.

Президентимизнинг Олий Махлисида йўллаган Мурожа-атномасида фаол инвестиция сиёсатини ривожлантиришда транспорт, энергетика, йўл қурилиши, коммунал хизмат-лар, тиббиёт, таълим соҳа-лари ва бошқа қатор тармоқлар-да давлат-хусусий шериклик механизмининг кенг жорий қилиш зарурлиғи қайд этил-ган эди. Қолаверса, шу йил 5 августда давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган видео-селарнинг йиғилишида давлат-хусусий шериклик масалалари-нинг қўриб чиқишиш ушбу вазифалар ижроси самарадор-лигини оширишда қатта турт-ки бўлди.

Йиғилишда давлат-хусусий шериклик асосида замонавий гемодиализ марказлари, онко-логик беморлар учун радиоте-рапия марказларини ташкил этиш, Қамчиқ довоида янги тоннель қуриш, мамлаки-миздаги қатор аэропортларни “пакет принципи”да шериклик-ка бериш бўйича техник топ-шириқлар ишлаб чиқиш ҳамда бошқа бир қатор лойиҳаларни амалга оширишга доир муҳим топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда ўта долзарб бўлиб тур-ган электр энергияси ва та-бий газни истеъмолчиларга сотишда давлат-хусусий ше-рикликни жорий этиш вазифа-си ҳам юклатилди. Ушбу со-ҳада ишлаб чиқарувчилар ҳамда сотувчилар ўртасида ра-қобатни таъминлаш орқали хизмат сифатини ошириш ва маҳсулот таннархи ҳамда йўқотишларни қамайтириш мумкин.

Коммунал ҳўжалик соҳа-сидаги лойиҳалар синчиклаб қўриб чиқилиб, тармоқда олиб борилаётган ишлохотлар нати-жаласи сезилмаётгани, бу борада сўсташликка йўл қўйилаётгани ўринли танқид қилинди.

Ўзбекистон ХДП электора-тининг ижтимоий манфаатла-ри нуктаи назаридан қараган-да, коммунал соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳалари-ни амалга оширишга бўлган эътиборнинг кўнайиши муҳим аҳамиятга эга.

Амалдаги қўнунчиликка му-вофиқ, аҳолини электр энер-гия ва табиий газ, тоза ичим-лик суви, марказлашган иситиш ҳамда иссиқ сув таъ-миноти, маиший қичқиндилар-ни олиб кетиш ва утилизация қилиш хизматларини кўрсату-вчилар “табиий монополиялар” ҳисобланади. Бу соҳада рақо-бат муҳити деярли мавжуд эмас, хизматни етказиб бе-ришнинг муқобил, замонавий шакллари қўлланилмайди. На-тижада коммунал хизматлар-ни амалга оширувчи ташкилот-лар томонидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган йўқотишларни қўллаш нарх-наво ва тарифлар орқали истеъмол-чиларнинг елкасига юкланади.

Йиғилишда қайд этилгани-дек, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини жадал амалга ошириш ҳам бюджетга енгил-лик бўлади, ҳам хизмат сифа-ти ахшиланади. Мисол учун, мамлакатимизда амалга оши-рилиши режалаштирилган би-ригина канализация лойиҳаси учун 2 миллиард 600 миллион доллар талаб қилинади. Маз-кур лойиҳанинг хусусий шерик-лар билан биргаликда амалга оширилиши, бюджетга қатта енгиллик беради, соҳага ху-сусий секторнинг кириб кели-

Улугбек ВАФОВЕ,
Олий Махлис Кўнунчилик
палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП
фракцияси аъзоси.



● Иккинчидан, Ўзбекистондаги ёшларга оид давлат сиёсатининг тен-денциялари, натижалари бугун дунё афкор оммасига кўрсатилади.

● Учинчидан, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини маромига етказишда муҳим пойде-вор бўлади. Чунки форумда Америк-а, Осиё, Африка, Европа ва Авст-ралия қитъасидан вакиллар қатнаш-ди, улар лойиҳага ўз муносабатла-рини билдирди.

● Тўртинчидан, ушбу тадбир Ўзбе-

кистоннинг халқаро майдондаги им-и-жа ва нуфузини оширишга хизмат қилади.

● Бешинчидан, Ўзбекистон ёш-лари биринчи марта халқаро норма иходкорлиғи жараёнида бевосита иштирок этади.

Шунингдек, мазкур тадбир дои-расида қатнашчилар ёшлар ҳуқуқла-рини таъминлаш билан боғлиқ му-аммоларни атрафчила қўриб чиқиш, айни йўналишдаги халқаро ҳам-мintaқавий механизмларни такомил-лаштириш масалаларини муҳокама қилиш имконига эга бўлади.

ЖУРНАЛНИНГ МАХСУС СОНИ
ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг махсус 3-сонини нашрдан чиқди. У Самарқандда бугун, яъни 12 август кунини бошланганда, “БМТ — 75” ташаббуси доирасида ташкил қилинган Самарқанд форуми ва Халқаро ёшлар кўнига бағишлангани билан аҳамиятлидир.

Журналнинг мазкур сониди “Янги Ўзбекистон — янги парламент” руки остида Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Сенатининг Раиси Танзилла Норбоеваннинг “Олий Мах-лис Сенати: ақин ва узоқ истибко-лимиздаги фаолиятимизнинг бош мезони — халқ фаровонлигини юк-сатлаштириш” сарлавҳали мақоласи эълон қилинган.

Шу билан бирга, нашрда маҳал-лий ва хорижий экспертлар ёшлар ҳуқуқларининг турли муаммолари, Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг устувор йўна-

лишлари, ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш-нинг истибқо-ларига оид таъ-лилий мақола-лари билан қат-нашган.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-нинг Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқ-ро конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси билан чиқ-



даги қизқарли илмий-оммабоп ма-қолалар билан ҳам танишишингиз мумкин.

«Халқ сўзи».



Нодирбек САЛАЕВ,
Тошкент давлат юридик
университети проректори,
юридик фанлар доктори:

— Ривожланган хо-рижий давлатлар таж-рибаси шуни кўрсата-дики, суд-тергов фао-лиятига замонавий ахборот технология-ларининг таътиб қили-ниши жиният процес-сида иш юриштишга масъул бўлган орган-лар вақтини, ортиқча қуш ва восталар саф-ланшини тежашга, жиният ишларини юриштишда дастлабки тер-гов ва суд муҳокамасини ўтказишнинг содда-лаштирилган тартибини жорий этишга хизмат қилади.

Фармонда белгиланган чора-тадбирлар Тошкент давлат юридик университети олдига ҳам бир қатор, яъни олий юридик таълим муассасалари олдига ўқитиш услубиёти ва ўқув дастурларини ангилаш, замонавий дарс-ликларни яратиш, таълимга ахборот техноло-гияларини жорий этиш, уни амалиёт билан узвий боғлаш, фаол халқаро интеграция қилиш каби муҳим вазифаларни қўяди.

Айниқса, суд-тергов фаолияти қадрларини, умуман, юридик қадрларни тайёрлашда ТДЮЖ жамоаси томонидан таълим жараёнини элек-тронлаштириш ва унга инновацион техноло-гияларини жорий қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар қўрилаётди. Айниқса, бугунги пан-демия шароитида замонавий технологиялар-нинг таълим сифатини оширишдаги аҳамия-тининг яққол сезиб турибмиз.

Ҳужжат билан жорий қилинаётган яна бир ўзига хослик шундаки, жиният ишини судга қадар юриштиш босқичида гувоҳ ва жабрла-нувчининг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига қўра суд то-монидан тарафларнинг иштирокида олдидан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) тарти-бининг таътиб этилиши билан боғлиқ. Қайд этиш жоизки, гувоҳ ва жабрланувчининг кўр-сатувларини олдидан мустаҳкамлаб қўйиш билан ҳам вақт тежалаяди, ҳам келгусида улар-нинг кўрсатмалари ўзгартрилишининг олди олинади.

Фармонда қайд этилган барча янги-ча ме-ханизм ва ёндашувлар мамлакатимиз ва хо-рижий мамлакатларда суд-тергов фаолияти тахлили ва ўрганишлар асосида қўлланилаёт-гани эътиборга молик, албатта.

Умуман, ҳужжатда кўзда тутилган вазифа-ларнинг ижроси суд-ҳуқуқ соҳасида кераксиз ва самарасиз бўлган тизимлардан воз ке-чиш, таъбир жоиз бўлса, инсон тақдирини ҳал этишда шафофлик ҳамда адолатни таъмин-лаш каби мақсадга хизмат қилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

БИЗ ва ЖАҲОН

Ўзбекистон ва Канада
иқтисодий мулоқотларни
фаол ривожлантириш тарафдори

Ўзбекистоннинг Канададаги элчихонаси (қароргоҳи Вашингтонда) ушбу мамлакат ташқи иқтисодий идоралари вакиллари билан ўзаро алоқаларни мустақамлаш ва икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида Канада экспортни ривожлантириш корпорациясининг Евроосиё бўйича бош вакили Дарси Феррон, Европа, Яқин Шарқ ва Африка бўйича минтақавий директори Роберт Кэмерон билан музокаралар ўтказди.

Видеоконференция шаклида кечган мулоқотда элчи Жавлон Ваҳобов йирик инвестиция лойиҳалари доирасида республикамизнинг хорижий молия институтлари билан ҳамкорлигининг устувор йўналишлари ҳақида батафсил сўзлашди. Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Европа тилакчи ва тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Европа инвестиция банки ҳамда бошқа халқаро молиявий тузилмалар, шунингдек, чет эл экспорт-кредит агентликлари билан алоқаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани айтиб ўтилди.

Иштирокчиларга нефть-газ ва тоғ-кон саноати, машина-созлик, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат саноати, тўқимачилик, туризм ҳамда бошқа соҳалар хусусида ҳам батафсил маълумот берилди.

Дарси Феррон Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва чет эл бизнеси учун очилаётган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, Канада экспортни ривожлантириш корпорацияси республика ҳукумати ҳамда молиявий институтлари билан ҳамкорлиқни кенгайтириш масаласини катта қизиқиш билан ўрганаётганини таъкидлади.

Корпорация Канада компанияларидан аризалар келиб тушади, мамлакатимиздаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга оид тақлифларни қабул қилишга тайёр эканини билдирди.

компанияларининг 184 мамлакатдаги инвестицияларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Унинг 17 давлатда ваколатхонаси очилган. Бу миқдорларни чет элда қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, корпорация 200 дан ортиқ ташқи бозорларда, шу жумладан, 130 та ривожланаётган давлатда фаолият юритадиган компанияларга ёрдам беради. Натижада корпорациянинг бевосита қўмағи билан 2019 йилда 510 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилган, ўз навбатида, Канаданинг 542 компанияси ва халқаро молия институтлари ўртасидаги алоқаларни ўрнатишда ёрдам қўрсатган.

Учрашув якунида Канада экспортни ривожлантириш корпорацияси вакиллари Ўзбекистон бозорига кириш ва бизнес лойиҳаларини амалга оширишдан манфаатдор бўлган Канада компаниялари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш имкониятларини ўрганишга, қолaversа, республикага инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини қўриб чиқиш тақлифини қўллаб-қувватлади. Элчининг таъкидлашича, 2020 йил республикада чорвачилик соҳасида 84 та янги лойиҳа амалга оширилади ва гўштини қайта ишлаш корхоналари ташкил этилади.

Музокараларда юртимиз қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги делегациясининг мол гўшти етиштириш ва экспорт қилиш, шунингдек, қорамоллар сони бўйича Канадада етакчи бўлган Альберта вилоятига таширфини уюштириш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, Канада экспортни ривожлантириш корпорациясининг Европа, Яқин Шарқ ва Африка бўйича минтақавий директори Роберт Кэмерон корпорация Канада

Шавкат ОРТИҚОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Сўх тумани:

ЎЗГАРИШЛАР БЎСАҒАСИДА
ЁХУД ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ ОДАМЛАР ҲАЁТИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПАДИ

Шу боис чора-тадбирлар дастурида туманда саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари бўйича истиқболли янги лойиҳаларни ҳаётга татиқ этиш, тадбиркорликка кенг шариёт яратиш ҳамда рағбатлантириш, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини замонавий меzonлар асосида ривожлантириш, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустақамлаш, аҳолини иқтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда муқим иш ўринлари билан таъминлаш сингари йўналишларда кенг қамровли вазифалар белгиланди.

Тиббиёт муассасаларида замонавий шариотлар яратиш, мактабларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, давлат-хусусий шериклик тамойили асосида боғчалар қуриш ва ҳудудда келажагимиз ворисларини мактабга таълим муассасаларига қамраб олиш даражасини оширишга қаратилган гамхўрликлар шулар жумласидан. Туманда истироҳат боғлари ташкил этиш, спорт муассасалари фаолиятини бугунги кун талаблари асосида йўлга қўйиш ҳамда мураббийлик фаолиятини рағбатлантириш борасидаги сайёҳаракатлар баркамол авлод орзуси йўлидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга қўтаришда муҳим аҳамиятга эга.

Сўхда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шариёт яратиш орқали қўллаб-қўллаш имконияти ҳал этиш мумкин. Айни жиҳатларни инобатга олган ҳолда туманда халқаро пул ўтказмалари амалиётини йўлга қўйиш, 24/7 режимида иш-

ловчи банк шохобчаларини ташкил этиш масаласи ижобий ҳал қилинмоқда. Цемент заводи қуриш, ер ости табиий бойлиқларини қазиб олиш фаолиятини такомиллаштириш, мевани қайта ишлаш ва қадоклаш, балиқчилик ҳамда паррандачиликни ривожлантириш, интенсив боғлар барпо этишга қаратилган тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш биринчи навбатдаги вазифалар сирасига киритилди. Қарорга мувофиқ, тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит фоиз ставкасининг 10 фоизли пунктдан юқори бўлган қисмини Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан қўллаб бериш, тумани иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар учун истисно тариқасида ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш каби қатор имтиёз ва қулайликлар ажратилмоқда.

Туманда картошка етиштириш борасида катта ҳаётий таърибга тўлганда. Дастурда картошка уруғчилиги илмий марказини ташкил этиш кўзда тутилгани туманда илмий-амалий таърибани ўзаро уйғунлаштириш имконини беради. Шунингдек, аҳолига деҳқончилик қилиш учун қўшимча 20 сотихдан ер берилиб, ерга ишлов бериш ва сифатли уруғ сотиб олиш учун оилаларга 2,2 миллион сўмдан субсидия

дия маблағлари ажратилади. Деҳқончилик қилиш муаммо бўлган ҳудудларга сув чиқарилиб, ихчам ва замонавий иссиқхоналар барпо этилади. Биргина саноат, хизматлар ва қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш мақсадида 95 та лойиҳа доирасида 5 мингта янги иш ўрни яратилади.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор имтиёзлар берилгани ҳам эътиборга лойик. Хусусан, 2020 йилда жисмоний шахслар ер ва мол-мулк солигини тўлашдан озод қилинди. Шу йилнинг 1 августидан 2021 йилнинг 31 июлига қадар якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи амалдаги солиқ ставкасининг 50 фоизи миқдоридан белгиланди. Алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган руҳсат гувоҳномасини олиш учун йиғимини тўлаш тартиби бекор қилинди.

Ҳозирги кунда туманда 14 минг 330 нафар маҳаллий аҳоли — ер ва мол-мулк солиғи тўловчилар ҳамда 400 дан ортиқ кичик бизнес субъектлари ушбу имтиёزلардан фойдаланиш имконига эга бўлганини инобатга олсак, имтиёзлар қўламини нақадар катта эканлигини аңлаш қийин эмас. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ер ва мол-мулк солиғидан озод этилган 14 минг 300 нафар сўхлик ихтиёрида бир йилда 3 миллиард 300 миллион сўм маблағ қолади. Якка тартибдаги тадбиркорларга тақдим этил-



ган имтиёз бир йилда қарийб 500 миллион сўм маблағни оила бюджети учун асраб қолиш имконини беради.

Туманининг "Тул", "Хушёр", "Сариканда", "Равон", "Ҳазрат Али", "Ленбург", "Қалача", "Ғазнов", "Чашма", "Демурсад", "Шарқобод", "Янгиарик", "Сўх", "Қаҳир",

ҳўжалиги маҳсулотларини сертифициклаш лабораториялари миллий марказ таркибиде бўлади.

Демак, бу қилинаётган ишлар ҳисобига биз илмий ишларимизни қайта қўриб чиқишимиз, энг самарали вариантларни излаб топиб, аниқлаб, ундан кейин ишни режалаштиришимиз керак бўлади.

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори:

— Ушбу қарор билан қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновация маркази, яъни миллий марказ ташкил қилинмоқда. Мана шу марказда қишлоқ ҳўжалигида тааллуқли бўлган янгиликлар, янги технологиялар жорий қилинади. Уруғчилик, ин витро ҳўжайра, туПРОК ва сув агрокимё тадқиқотлар, қишлоқ

Амир ОМОНОВ,
Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти директори:

— Бугунги кунга келиб, моддий-техника базамиз яроқсиз ҳолда эди. Биолог институт иш бошлагандан буён умуман таъмирланмаган. Шунинг учун ўзимизда илмий ривожлантириш, илмни тўғри режалаштириш бугунги куннинг асосий масаласи бўлиши керак.

Шуни ҳисобга олиб, Президентимиз Жаҳон банки билан ҳамкорликда Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилишга оид қарорга имзо чекди.

ЯНГИ ҲУЖЖАТ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА



Баҳром АЛЛАЁРОВ,
лойиҳа менежери:

— Лойиҳанинг иккинчи компоненти кредит линия ҳисобланиб, ушбу компонентга 200 миллион АҚШ доллари миқдориде маблағлар ажратилган. Бу маблағларнинг 70 фоизи, биринчи навбатда, интенсив боғлар ташкил этиш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, логистика хизматлари, энерготехамкор технологиялари, хусусан, томчилатиб сўғориш технологияларини жорий этишга йўналтирилади.

Нуриддин ҚўШНАЗАРОВ,
Богдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлиги директори ўринбосари:

— Лойиҳанинг учинчи компоненти, бу — интенсив боғларни яратишга қаратилган бўлиб, бугунги кунда унинг доирасида янги механизм жорий этилмоқда. Бу янги механизм нимадан иборат? Яъни уни фермер ҳўжалиги, аҳолига интенсив боғларни тайёр ҳолда топшириш асосида амалга оширишни режалаштирганимиз.

Отажон ПИРМОНОВ,
Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Лойиҳанинг тўртинчи компоненти, бу — агрологистика марказларини ташкил этиш. Бугунги кунда республикамизда 25 та 405 минг тонна қувватига эга агрологистика корхонаси фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда Осиё тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банки иш тироқида учта йирик агрологистика маркази ташкил этилиб, агрологистика корхоналари фаолиятини биргаликда юритиш ишлари йўлга қўйилмоқда.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.

1. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси	катта ўқитувчи, ассистент
2. Машинашунослик ва сервис хизмати кафедраси	кафедра мудир, профессор, катта ўқитувчи
3. Мухандислик ва компьютер графикаси кафедраси	доцент, катта ўқитувчи, ассистент
4. Меҳнат муҳофазаси ва экология кафедраси	ассистент
5. Ижтимоий фанлар кафедраси	ассистент
6. Тўқима матолари технологияси кафедраси	профессор, ассистент
7. Йиғириш технологияси кафедраси	катта ўқитувчи
8. Ипак технологияси кафедраси	профессор, катта ўқитувчи
9. Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси	кафедра мудир, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент
10. Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси	доцент, ассистент
11. Костюм дизайни кафедраси	доцент, ассистент
12. Кимёвий технология кафедраси	кафедра мудир, профессор, доцент, ассистент
13. Физика ва электротехника кафедраси	кафедра мудир, катта ўқитувчи, ассистент
14. Тиллар кафедраси	кафедра мудир, ассистент
15. Матбаа ва қадоклаш жараёнлари технологияси кафедраси	кафедра мудир, доцент, катта ўқитувчи, ассистент
16. Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси	кафедра мудир, доцент, катта ўқитувчи, ассистент
17. Корпоратив бошқарув кафедраси	кафедра мудир, доцент, катта ўқитувчи, ассистент

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширади. Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада қисибот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказида.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 210-хона. Телефон 71-253-17-78.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни иқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

ISSN 2010-6784

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг таркиби берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

ISSN 2010-6784

ИПАК ЙЎЛИ БАНКИ

«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки

ихтиёрий тиббий сугурта бўйича шартнома тузиш мақсадида сугурта ташкилотлари ўртасида танлов ўтказилиши ҳақида маълум қилади.

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
100017, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 2-уй.

Танлов ҳужжатлари **2020 йил 11 сентябрь соат 12.00 гача** қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон:
78-140-69-39, 78-140-69-00 (ички. 1259).

Масъул ходим: **Улуғбек Примкулов**

E-mail: **u.primkulov@ipakyulibank.uz**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси вазирлиқнинг Назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи Баҳодир Тўраевга онаси **Мунаввара Тўраеванинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти жамоаси институтнинг 4-Ички касалликлар ва гематология кафедраси мудир, профессор **Несматилла АРАЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти жамоаси институтнинг Биофизика, информатика ва ахборот технологиялари кафедраси профессори **Тошўлат САФАРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — **Р. Шеркулов.**
Мусаҳҳиҳ — **С. Исмолов.**

«Шарқ» наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 00.50

1 2 3 4 5 6